

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Наманган Давлат университети**

Филология факультети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

ўқитувчиси

**ҚОЗОҚОВА НОЗИМАНИНГ**

«Табиат оламига хос феъллар семантикаси»

мавзусида ёзган

# РЕФЕРАТИ

Наманган

## ***Табиат оламига хос феъллар семантикаси***

Режа:

1. Феълларни семантик тасниф қилиш тарихидан
2. Феъл семантикасида табиат оламига хос феълларнинг ўрни
3. Табиат оламига хос феълларнинг семантик таснифи.
4. Табиат оламига хос феълларнинг компонент таҳлили

Диалектик фалсафа методларидан келиб чиқиб тил фактларига ёндашув, тил ва нутқда умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса имконият-воқеълик хусусиятларини аниқлаш, тилнинг объектив борлиқнинг фаол инъикоси эканлиги, бу инъикос асосида ётган юзлаб мазмуний майдонлар орасидаги лисоний муносабатларни таҳлил қилиш кейинги йилларда тилшуносларнинг дикқат марказида бўлиб келмоқда. Очиқ система ҳисобланувчи лексика ўзаро ва элементлараро парадигматик, синтагматик, иерархик муносабатда бўлувчи юзлаб семантик майдонлар жамланмасидан иборатдир. Ана шу системада феъл лексемалар семантик мураккаблиги, серкирралиги, бирикувчанлиги, муносабатларга бойлиги жиҳатидан марказий ўринда турди. М.Содикова таъбири билан айтганда, ....Табиатда юз берадиган турли ҳаракатлар, ҳолатлар, сезиш ва таъсирланиш ҳодисалари бениҳоя турли-туман, мураккаб ва майдадир. Бундай ҳодисаларнинг деярли ҳаммаси тилда феъл формалари орқали ифода этилади.<sup>1</sup> Феъл туркуми ҳаракат ва ҳодисалардаги кўп қирралиликни кенг кўламда энг кичик қирраларгача акс эттиришга хизмат қиласи.

Р. Расулов таъкидлаганидек, феъл бошқа сўз туркumlарiga нисбатан энг амалий, энг мураккаб ва айни вақтда семантик жиҳатдан ранг-баранг грамматик категориядир<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, объектив борлиқдаги нарса-предметлар, инсонлар ва ҳайвонларнинг турли хил ҳолатларини, шу жумладан, иш-ҳаракатларини ифодаловчи феъллар ўзининг нутқий фаоллиги ҳамда мураккаб семантик қурилишга эга эканлиги билан ажralиб турди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Содикова М. Феъл стилистикаси.-Тошкент “Фан”, 1975, 60-бет

<sup>2</sup> Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.-Тошкент, 1989.

<sup>3</sup> Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. Автореф. Дисс. Док. Фил. Наук. Ташкент, 1989. стр.14-21.

Француз тилшуноси Л. Теньер эса ўзининг тобелик грамматикасида гапнинг тузилиш асоси сифатида феълга таянади. Ҳар қандай гап асосида феъл ётишини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Феъллар семантик таснифи мураккаб масала бўлиб, лингвистикада бу борадиги фикрларда яқинлик бўлса-да, ягона тўхтам йўқ. Жумладан, феълларни ҳаракат ва ҳолат феълларига, ҳаракат, ҳолат ва муносабат феълларига, ҳаракат, ҳолат, муносабат ва хусусият феълларига ажратиш ҳоллари мавжуд. Мазкур гурухлар ўз ичида ҳам бир қанча ЛСГ ларга ажратиши тақозо этади. Ҳар бир ЛСГдаги феълларнинг семантик, парадигматик ва синтагматик жиҳатларини таҳлил қилиш эса алоҳида тадқиқотларни талаб этади.

Табиат оламига хос лексемалар тилда йирик семантик майдонни ташкил этади. Тил оламнинг бевосита инъикоси экан, унда табиат оламига, ўсимликлар дунёсига хос лексемалар ҳам ўз ўрнига эга. Уларсиз тил луғат таркибини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунончи, ўсимлик архисемаси остида *даражат, бута, майса, кўкат, новда, шоҳ, илдиз, томир, барг, япроқ, куртак, гул, мева, ҳосил, уруг, дон, бошоқ* каби от лексемалар, шунингдек, ўсимликнинг турли навлари билан боғлиқ минглаб терминлар, масалан, қовун навлари (*босволди, шакарпалак, кампирқовун* каби), узум навлари (*хусайни, чарос, кишиши* каби), эртапишиар, кечпишиар, хонаки, маданий, ёввойи, чидамли, серсув, нордон, ширин, аччиқ, майдар, йирик, қизил, оқ, яшил, игнабаргли, бир паллали, икки паллали, мазали, бемаза каби сифат лексемалар, ўсмоқ, ривожланмоқ, қовжирамоқ, куримоқ, қизармоқ, пишмоқ, етилмоқ каби юзлаб феъл лексемалар бирлашади. Табиат оламига хос от лексемалар қаторига қуёши, Ой, юлдуз, Ер, уммон, денгиз, дарё, сув, тупроқ, ўрмон, тоғ, дала, адир, текислик, чўл, ҳаво, ёмғир, қор, дўл, сел, тўфон, цунами, зилзила кабиларни киритсан, уларнинг ҳаракати ва ҳолати билан боғлиқ порламоқ, чаракламоқ, чақнамоқ, ботмоқ, айланмоқ, тутимоқ, нур сочмоқ, қимириламоқ, ёрилмоқ, ёритмоқ, оқмоқ, тўлқинланмоқ, оқизмоқ, қакрамоқ, чўллашмоқ, айнимоқ, булутланмоқ, ёғмоқ, учқунламоқ, учирмоқ каби феъл лексемаларнинг тилда юзлаб топилишини тасаввур қилиш мумкин.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг. Мухамедова С. Ўзбек тилидаги йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. Ф.Ф.Н.Дисс. Автореф. Тошкент, 1999.

Маълумки, феъл лексемалар ўз субъектига кўра инсонга хос ҳатти-ҳаракат ва ҳолатни, ҳайвонларга хос ҳаракат ва ҳолатни, нарса ва жисмларга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи лексемалардан иборат бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам табиат оламига хос феъллар алоҳида мазмуний гурухни ташкил этади. Мазкур феълларнинг семантиқ, синтагматик, компонент, валент таҳлилини амалга ошириш орқали бошқа феъл лексемалар микромайдонларининг ҳам семантиқ қирраларини очишга замин яратиш мумкин. Чунки бундай микромайдонлар айримларининг маълум бир қирраларигина тилшунослигимизда ўз тадқиқини топган холос. Ҳолат феъллари, нутқ феъллари, юмуш феъллари кабилар.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин феъл семантикаси, синтагматикасига оид тадқиқотлар кўлами кенгайди. М.Содикова, Р.Расулов, И.қўчқортоев, С. Мухаммедова, К.Раҳмонбердиев кабилар томонидан ўзбек тилидаги феъл лексемалар семантикасига доир муҳим изланишлар амалга оширилди ва мазкур тадқиқотларда феълларнинг дастлабки семантиқ таснифлари юзага келди.<sup>5</sup>

Кейинги йилларда А. Нурмонов, А. Собиров, Ш. Искандарова, Х. Неъматов кабиларнинг систем-структур тадқиқотларида ҳам феълнинг семантиқ таснифи ва таҳлилига доир фикрлар берилди. Лекин шундай бўлсада, феъл лексемалар табиати бор мураккаблиги билан тўла очилгани йўқ. Табиат оламига хос феъллар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

А.Собиров ўз монографиясида нарса ва жисмларнинг ҳаракат ва ҳолатини ифодаловчи лексемаларнинг мавзу тўдалари қаторига қуйидаги гурухларни киритади

а) дараҳтлар ва ўсимликларга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи лексемалар: **унмоқ, ўсмоқ, қўкармоқ, куртак ёзмоқ, гулламоқ, мева тугмоқ, шохламоқ, барг чиқармоқ, томир отмоқ, қовжиромоқ, сўлимоқ, куримоқ**

<sup>5</sup> қаранг: Содикова М. Ўша асар.

Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.-Тошкент, 1989.  
Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги.- Тошкент , 1977.

б) табиий жисмларга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи феъллар: **чўкмоқ, увоқланмоқ, эримоқ, қайрилмоқ, қотмоқ, аралашмоқ, оқмоқ, тошимоқ, ёғмоқ, синмоқ, порламоқ, чақнамоқ, ялтирамоқ, дарз кетмоқ**<sup>6</sup>.

Р.Расуловнинг ҳолат феъллари валентлигига оид тадқиқотида, «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» (А. Нурмонов ва бошқалар) да ҳам ўсимлик ҳолатини ифодаловчи айрим феъллар қисман таҳлил қилинган<sup>7</sup>.

Феъл семантикаси бугунги ўзбек тилшунослигининг диққат марказидаги масалалардандир. Чунки лингвистик ҳодисанинг, бирликнинг семантик жиҳатларини тўла ўрганмай туриб, унинг моҳиятини, табиатини тўла очиб бўлмайди. Феълларнинг бошқа туркумларга нисбатан грамматик шакл ва категорияларга бой эканлиги маълум. Шу билан бирга феъллар парадигматик жиҳатдан серқирра ҳамда синтагматик томондан кенг қамровлидир. Феълнинг энг муҳим хусусияти эса гапда марказий ўринни эгаллашидир.

Феъллар тил лексикасида энг салмоқли ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам энг қадимги тилшуносликка оид асарларда ҳам феъл алоҳида туркум сифатида қайд этилган.

Феълнинг серқирралиги унинг семантик хусусиятлари ва таснифида яққол кўринади.

Рус тилидаги феълларнинг лексик-семантик хусусиятларини атрофлича таҳлил қилган таниқли олим Л.М.Васильев феъл лексемаларни семантик аспектда таснифлашда уч тамойил асос бўлишини таъкидлайди. Булар:

1. Денотатив ёки тематик тамойил.
2. Парадигматик тамойил.
3. Синтагматик тамойил<sup>8</sup>.

Биринчи тамойил анъанавий тамойил бўлиб, бунда феъллар борлиқдаги қандай нарса ёки ҳодисани ифодалашига кўра мавзуий гурухларга ажратилади. Чунки денотатив маъно борлиқдаги муайян нарса-буюм, белги-хусусият, миқдор, ҳодиса, жараён, ҳолат, ҳаракат кабиларни атовчи, номловчи бирламчи семадир. У реал борлиқдаги нарсанинг умумлашма образи сифатида инсон онгидаги яратилади. Денотатив тамойил денотатив семага асосланиб таснифлашдир. Денотатив тамойил асосида нафақат

<sup>6</sup> Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатщини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.-Тошкент, «Маънавият» 2004 й., 118-бет.

<sup>7</sup> Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.-Тошкент, 1989. 93-бет.

<sup>8</sup> Васильев Л.М. Семантика русского глагола.- М., 1981, стр. 41.

феъллар, балки от, сифат туркумлари ҳам қандай нарса ёки ҳодиса, белги, хусусиятни қай тарзда ифодалашига қараб гурухларга ажратилади, ҳайвонлар номлари, қуш номлари, ўсимлик номлари, кийим-кечак номлари, қариндошлиқ номлари, ранг билдирувчи сифатлар, таъм билдирувчи сифатлар, шакл билдирувчи сифатлар каби.

Феълларнинг ҳаракат феъллари, ҳолат феъллари, сезги феъллари, нутқ феъллари, тафаккур феъллари каби мавзуй гурухларга ажратилиши ҳам денотатив тамойилга асосланади. Мавзуй гурухлардаги лексемалар орасида бутун-бўлак (*юз - янок, қўл - бармоқ, бармоқ - тирнок*, каби ), функционал алоқа (*ўқитувчи – мактаб, ўқувчи – китоб, поезд – рельс, дарё – ўзан* каби), тур – жинс (*одам – аёл, ҳайвон – сигир, сайёра – Мирриҳ*) муносабатларига киришиши мумкин.

Парадигматик тамойилга кўра эса феъллар семантик структурасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаш йўли орқали лексема моҳиятига кириб борилади. Мавзуй гурухларга оид ҳар бир феълнинг семалари таҳлил қилинади. Каузатив ва нокаузатив феъллар, модалликни ифодаловчи феъллар, феълларнинг қўлланиш даражаси каби масалаларга ҳам эътибор қаратилади.

Синтагматик тамойилга кўра эса феъл лексемаларнинг синтактик бирикувчанлиги, яъни валентлиги аниқланади. Сўнгти йилларда синтагматик тамойил асосида иш олиб бориш ҳам тильтунослар диққатини жалб этмоқда.

Феъл нафақат грамматик, балки семантик томондан ҳам мураккабликка эга. Бу мураккаблик аксарият феълларнинг полисемантиклигига кўринади. Масалан, *солмоқ* феъли ҳам полисемантик бўлиб, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»(М., 1981, 2-жилд, 67-бет) да шу феълнинг ўн саккиз хил маъноси берилган. Бу феъл асосий семаларига кўра ҳаракат феълларига кирса, айrim маънолари билан ҳолат феъллари сирасига қўшишимиз мумкин. Бошқа полисемантик феъллар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Борлиқдаги ҳаракат усуллари ва ҳолатларнинг бениҳоя кўплиги, кенг қамровлилиги ҳам феъллардаги семантик мураккабликка асос бўлади. Ҳар бир феъл муайян ҳаракат ва ҳолатнинг ўзини ёки унинг айrim қиррасини ифодалаши мумкин. Бундан синонимия, антонимия, градуонимия каби лингвистик ҳодисалар келиб чиқади.

Феълнинг семантик таснифи мукаммал ва чукур таҳлил этилмаган, яқдиллик бўлмаган масалалардан эканлиги шу мавзуга оид тадқиқотларнинг

барчасида таъкидланган. қуида ана шу тадқиқотлар ва улардан чиқариладиган холосаларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, ҳар бир сўз ўз белги-хусусиятларининг бирлигидан иборат, муайян элемент, қирра, томон, имкониятларга эга ўзига хос системачадир<sup>9</sup>. Семантик жиҳатдан серқирралик, имкониятларга бойлик энг мураккаб ва бирикувчан туркум ҳисобланувчи феъллар таҳлилида Айниқса яққолроқ намоён бўлади. Феъл туркумiga оид сўзлар табиат ва жамият ҳаётига оид ҳаракат, ҳолат ва муносабатларни ҳар тарафлама ифода этишга хизмат қиласи. Табиат ва жамиятда юз берадиган, турлича субъектлар томонидан амалга ошириладиган иш-ҳаракат ва ҳолат, ҳодиса ва жараёнлар эса минглаб, мураккаб ва кўп қирралидир. Феълларнинг семантик мураккаблиги ҳам шундан келиб чиқади ҳамда тилшуносликда бу гурухга мансуб лексемаларни атасифлашда хилма-хилликлар юзага келганлигининг бош омили ҳам шудир.

Л.М. Васильев ўзининг «Семантические классы русского глагола» номли докторлик диссертациясида феълларни семантик жиҳатдан 4 катта гурухга ажратиб текширади:

1. Сезиш феъллари.
2. Интеллектуал фаолият феъллари.
3. Нутқ феъллари.
4. Хулқ-автор феъллари<sup>10</sup>.

Туркий тилларнинг дастлабки семантик таснифи Н.К. Дмитриевга мансуб бўлиб, таснифда феъллар 4 гурухга ажратилади:

1. Нутқ феъллари.
2. Сезги ифодаловчи феъллар.
3. Фаолият феъллари.
4. Ҳаракат феъллари<sup>11</sup>.

М. Содикова феъл стилистикасига бағишлиланган ишида феълларни 3 семантик гурухга ажратишни мақсаддага мувофиқ деб ҳисогблайди:

1. Ҳаракат феъллари.
2. Ҳолат феъллари.
3. Муносабат феъллари.

<sup>9</sup> Солнцев Л.М. Язык как системно-структурное образование. –М., 1971, стр.16.

<sup>10</sup> Васильев Л.М. Семантические классы русского глагола.-Автореф.Дисс.ДФН.Л., М., 1971.

<sup>11</sup> Дмитриев Н.К. Структурные типы тюркских языков.- М., 1962, с. 579-592.

Ҳаракат феълларини эса қуидаги гурухларга ажратади:

- 1) оёқ ҳаракати феъллари (15 кичик гурухдан иборат)
- 2) қўл ҳаракати феъллари (5 кичик гурухдан иборат)
- 3) хатти-ҳаракат феъллари (бош, калла ва ҳоказо)
- 4) гапириш ҳаракати феъллари

Ҳолат феъллари 2 гурухдан иборат:

- 1) руҳий-психологик ҳолат феъллари;
- 2) ички кечинма ва умуман руҳият билан боғлиқ экспрессив-эмоционал ҳолатни ифодаловчи феъллар.

Муносабат феъллари эса 3 гурухдан иборат ҳолда кўрсатилади:

- 1) ижобий муносабатни ифодаловчи феъллар;
- 2) салбий муносабатни иффодаловчи феъллар;
- 3) нейтрал муносабатни ифодаловчи феъллар<sup>12</sup>.

Мазкур тасниф бирмунча умумий бўлиб, феълнинг барча мураккаб қирраларини қамраб ололмаган.

И. Мадраҳимов эса феълларнинг қуидаги маъно турларини ажратади:

1. Натижали ўтимли феъллар: ёзмоқ, очмоқ, кесмоқ, бўлмоқ;
2. Натижасиз ўтимли феъллар: олмоқ, сотмоқ;
3. Ўзлашма ўтимли феъллар: емоқ, ичмоқ, ўрганмоқ;
4. Ҳолат ўтимсиз феъллари: қуримоқ, қизармоқ каби;
5. Ҳаракат ўтимсиз феъллари: юрмоқ, бормоқ, келмоқ каби;
6. Макон ўтимсиз феъллари: ўтирмоқ, ётмоқ;
7. Тақлид ўтимсиз феъллари: йилтилламоқ, вовулламоқ, маърамоқ каби<sup>13</sup>.

Феълнинг семантик таснифига оид салмоқли ва атрофлича фикрлар А. Собиров ва А. Нурмонов ишларида учрайди. Жумладан, А.Нурмонов «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» да ҳаракатга хос яратиш, бузиш, ўзгартириш, сўзлаш, сезиш, йўналтириш, ҳолатга хос руҳий-психологик, иқтисодий тафаккур Билан боғлиқ жиҳатлар эътиборга олинади. Шунга кўра феъллар қуидаги семантик гурухларга ажратилади:

<sup>12</sup>Содикова М. Феъл стилистикаси.- Тошкент, «Фан», 1975, 61-бет.

<sup>13</sup> Мадраҳимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. Ф.Ф.Н.Дисс. Автореф. Бухоро, 1994, 78-бет.

1. Жисмоний ҳаракат феъллари. Мазкур феъллар яратиш, бузиш, ўзгартириш, таъсир этиш, зарб бериш, жамлаш ҳаракати феълларидан иборат.

2. Нутқ феъллари. Мазкур феъллар сўзлашув, ахборот англатиш, нутқий алоқа, нутқий ундаш, нутққа хос баҳолаш, талаффуз даражаси Билан боғлиқ феъллардан иборат.

3. Сезги феъллари. Мазкур феъллар кўриш, эшитиш, таъм-маза, ҳид билиш сезгиси Билан боғлиқ феъллардан иборат.

4. Тафаккур феъллари. Мазкур феъллар фикр юритиш, хотирлаш, англаш билан боғлиқ феъллардан иборат.

5. Ҳайвонот дунёси билан боғлиқ феъллар. Мазкур феъллар ҳайвонлар, қушлар ҳаракати билан боғлиқ феълларни қамраб олади.

6. Табиат ҳодисалари билан боғлиқ феъллар. Мазкрур феъллар ўсимлик ва об-ҳаво ўзгаришлари билан боғлиқ феъллардан иборат.

7. Умумий ҳолат феъллари. Мазкур феъллар органик ва ноорганик дунёдаги жисмоний ҳолатни ифодаловчи феъллардан иборат.

8. Руҳий ҳолат феъллари. Мазкур феъллар қувонч, қайғу ваш у каби эмоционал ҳолат Билан боғлиқ феъллардан иборат.

9. Иқтисодий ҳолат феъллари.

10. Муносабат феъллари. Мазкур феъллар ижобий ёки салбий баҳолашни ифода этувчи феълларни ўз ичига олади<sup>14</sup>.

Профессор А. Собиров ҳам докторлик диссертациясида феъл семантикасига оид фикрларни беради. Аввало феъл лексемаларни 2 йирик гурухга ажратади:

1. Ҳаракатни ифодаловчи лексемлар.

1. Ҳолатни ифодаловчи феъл лексемалар.

Феъллар иш-ҳаракат ва ҳолат субъектига кўра 4 гурухга ажратилади:

1. Тирик организмларнинг барчаси учун умумий бўлган ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи феъллар.

2. Инсонга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи феъллар.

3. Ҳайвонлар ва қушларга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи феъллар.

---

<sup>14</sup> Нурмонов А. Ўзбек тили грамматикаси.-Тошкент,2—1, 63-бет.

4. Табиат жисмлари ва предметлар ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи феъллар<sup>15</sup>.

Феълларнинг маълум семантик гурухларини таҳлил этишга бағишлиланган ишларда шу феъллар семантикасига чуқур кириб бориш кузатилади. Жумладан, Р.Расулов ҳолат феълларини атрофлича ўрганиб, куйидаги семантик гурухларга ажратади:

1. Давомли ҳолат феъллари.
2. Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари.
3. Ижро ҳолати феъллари.
4. Ҳаракатнинг ҳолати феъллари.
5. Малака ҳолати феъллари.
6. Образли ҳолат феъллари.
7. Биологик ҳолат феъллари.
8. Физиологик ҳолат феъллари.
9. Психик ҳолат феъллари<sup>16</sup>.

И. қўчқортоев эса нутқ феълларини таҳлил қилиб, 8 семантик гурухни қайд этади;

1. Демоқ феъли.
2. Гапирав феъллари.
3. Ифодалов феъллари.
4. Талаффуз феъллари.
5. Субъектив ҳукм феъллари.
6. Нутқий даъват феъллари.
7. Симметрик нутқ феъллари.
8. Сукут феъллари<sup>17</sup>.

Ҳаракат феълларининг семантик таснифи ҳам кўп йиллар давомида тилшунослар эътиборини жалб қилиб келаётган масалалардандир. Э.Р.Тенишев барча ҳаракат феълларини 2 гурухга бўлади:

1. Умумий маънога эга бўлган ҳаракат феъллари.
2. Хусусий маънога эга ҳаракат феъллари:
  - 1) ҳаракат усулини кўрсатувчи феъллар;

<sup>15</sup>Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. Ф.Ф.Д. Дисс. Автореф. Т., 2005,24-бет.

<sup>16</sup>Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.-Тошкент, 1989.

<sup>17</sup>Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги.- Тошкент , 1977.

- 2) харакат тўсиқларини енгиб ўтувчи феъллар;
- 3) харакат тезлигини кўрсатувчи феъллар<sup>18</sup>.

Ф. В. Вешилова ҳам харакат феълларини лексик маъносига кўра икки гурухга бўлади:

1. Ҳаракат йўналишини билдирувчи феъллар.
2. Ҳаракат усулинни билдирувчи феъллар.

У ҳаракат йўналишини билдирувчи феълларни горизонтал ва вертикал ҳаракат феълларига бўлади. Горизонтал ҳаракат феъллари яқинлашиш ва узоқлашиш маъноли феълларга , вертикал ҳаракат феъллари эса пастга ва юкорига бўлган ҳаракатларга ажратилади<sup>19</sup>.

А.А. Цалкаламанидзе ўзбек тилидаги ҳаракат феълларини алоҳида семантик-синтактик гурух сифатида ўрганиб, феълларнинг синтагматик хусусиятлари, яъни валентлигини ва гап қолипини ташкил қилишдаги аҳамиятини Аниқ чизма фор мулалар орқали кўрсатиб берган. Аммо олиманинг ҳаракат феъллари гурухига ўтириёнбошла, ёт, буруқса, титра, пилпилла, лишилла каби феълларни киритгани мунозаралидир<sup>20</sup>.

Феълларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларига кўра таснифида К. Холиков томонидан беш гурух таъкидланади ва ҳаракат маъносини англатувчи феъллар «субъектнинг макон ва замондаги ҳаракатланишини ифода этиши» айтилади. К. Холиков «Хозирги ўзбек адабий тилида ҳаракат феъллари» номли диссертациясида ҳаракат феълларини лексик-семантик жиҳатдан иккита катта гурухга ажратади:

1. Умумий маънога эга бўлган феъллар (глаголы с общим значением).
2. Айрим хусусий маъноли феъллар (глаголы с частным значением)<sup>21</sup>.

Тадқиқотчи кейинги илмий ишларида «ҳали илмий тадқиқотга мансуб қатор феъл разръядлари мавжуд, шунингдек, феълларнинг лексик-семантик таснифи, уларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари атрофлича ўрганилиши зарур» эканини таъкидлайди. Ва «Ўзбек тилидаги феълларнинг

<sup>18</sup> Тенишев Э.Р. Глаголы движения в тюркских языках// Исторические развития лексики тюркских языков. М., 1961, стр. 232-293.

<sup>19</sup> Вешилова В.Ф. Глаголы движения в турецком языке. // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. 4. Лексика. М., 1962, стр. 101-115.

<sup>20</sup> Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтактические группы глагола в узбекском языке. Тбилиси, 1987, стр. 54.

<sup>21</sup> Халиков К. Глаголы движения в современном узбекском литературном языке. АКД. Самарканд, 1967.

семантикасиға доир» деб номланган мақоласида туб семантик белгиларига кўра феълларни ўн икки лексик-семантик гурӯхга ажратади<sup>22</sup>.

С. Мұхамедова ҳаракат феълларини қуидагича таснифлайди:

1. Йўналма ҳаракат феъллари.
2. Айланма ҳаракат феъллари.
3. Тик ҳаракат феъллари.
4. Тебранма ҳаракат феъллари.
5. Фаолият натижаси бўлган ҳаракат феъллари.
6. Жисмоний таъсир ҳаракати феъллари.
7. Оғиз бўшлиғида амалга оширилувчи ҳаракатларни ифодаловчи феъллар.
8. Адрессив ҳаракат феъллари.

Феъл лексемаларнинг синтагматик аспектда таҳлилига оид изланишлар ҳам анчагина. Бу борада Р. Расулов, И. қўчқортөев, Ў. Шарипова кабиларнинг тадқиқотлари эътиборга лойиқ. Жумладан, Р.Расулов ҳолат феълларининг агенс, локалис ва объект валентлигини чуқур ёритиб берган. Ў. Шарипова эса номзодлик диссертациясида юмуш феълларининг маъно валентлигини атрофлича таҳлил қилган.

Юқорида рус ва ўзбек тилшунослигидаги феъл семантик таснифиға оид айрим ишларни кўриб ўтдик. Мазкур ишлардан кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги феъл лексемаларнинг семантик таснифи ҳали тўла тадқиқини топмаган.

Оlam ғоят мураккаб ва серқирра, заррадан то коинотга қадар, энг майда курт-қумурсқадан тортиб олий тафаккур соҳиби инсонгача, томчидан уммонгача, шуъладан қуёшгача ўз ичига қамраб оловчи моддий борлик демакдир. Мазкур объектив борликдаги нарса ва ҳодисалар қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар улар бизнинг онгимизда таснифланган ҳолда яшайди. Чунки оламнинг ўзи таснифланган ҳолда мавжуддир. Инсоният олами, ўсимликлар олами, ҳайвонот олами, табиат олами каби. Табиат сўзи аслида арабча бўлиб, кенг маънода оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаммасини қамраб олади. Тор маънода эса тог, дарё, теварак-атроф, ўрмон кабиларнинг табиий манзараси, об-ҳаво билан боғлиқ ҳодисаларни ўз ичига олади. Табиат ва инсон бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади.

<sup>22</sup> Холиков К. Ўзбек тилидаги феълларнинг семантикасиға доир//Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. Тошкент,1981,177-182-бетлар.

Инсон – табиат фарзанди. Табиат инсондан аввал ҳам мавжуд эди, ундан сўнг ҳам яшашда давом этади. Оламда инсоният, ҳайвонот, табиат ўзаро узвий алоқадорликда такомиллашиб боради. Ҳаракат мана шу ривожланиш, тириклик ва яшашнинг, мақсадга эришишнинг асосий шартидир. Ҳаракат натижасида бир предметдан иккинчиси туғилади, яралади, ўсади, ўзгаради, кўпаяди. Ҳаракат моддий дунё ўзгаришининг тўхтовсиз жараёнидир. Тил оламнинг бевосита инъикоси экан, унда табиат оламига, ўсимликлар дунёсига хос лексемалар ҳам ўз ўрнига эга. Уларсиз тил луғат таркибини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунончи, ўсимлик архисемаси остида *даражат, бута, майса, кўкат, новда, шох, илдиз, томир, барг, япроқ, куртак, гул, мева, ҳосил, ургуз, дон, бошоқ* каби от лексемалар, шунингдек, ўсимликнинг турли навлари билан боғлиқ минглаб терминлар, масалан, *қовун навлари (босволди, шакарпалак, кампирқовун каби), узум навлари (хусайни, чарос, кишиши каби), эртапишар, кечтишар, хонаки, маданий, ёввойи, чидамли, серсув, нордон, ширин, аччик, майда, иирик, қизил, оқ, яшил, игнабаргли, бир паллали, икки паллали, мазали, bemaza* каби сифат лексемалар, ўсмок, ривожланмоқ, қовжирамоқ, қуримоқ, қизармоқ, пишмоқ, етилмоқ каби юзлаб феъл лексемалар бирлашади. Табиат оламига хос от лексемалар қаторига *куёши, Ой, юлдуз, Ер, уммон, денгиз, дарё, сув, ўрмон, тоз, дала, адир, текислик, чўл, ҳаво, ёмғир, қор, дўл, сел, тўфон, цунами, зилзила* кабиларни киритсан, уларнинг ҳаракати ва ҳолати билан боғлиқ феъл лексемаларнинг тилда юзлаб топилишини тасаввур қилиш мумкин.

Феъл лексемалар семантик субъектига кўра қуйидаги гурухлардан иборат:

1. Фақат инсонга хос ҳаракат ва ҳолатларни ифодаловчи феъллар. Мазкур феъллар қаторига қуйидаги феъл семантик майдонларини киритишимиз мумкин

1). Нутқ феъллари. Инсоннинг нутқий фаолиятига оид *айтмоқ, демоқ, гапирмоқ, сўзламоқ, сухбатлашмоқ, гурунглашмоқ, валақлашмоқ, чақчақлашмоқ, шивирламоқ, пичирламоқ, бақирмоқ, чақирмоқ, жаврамоқ, сўкмоқ, сўкинмоқ, бидирламоқ, жирилламоқ, шангилламоқ, жеркимоқ, вайсамоқ, ёмонламоқ, гийбат қилмоқ, мақтамоқ, алқамоқ, қаргамоқ* каби қатор феълларни ўз ичига олади.

2). Тафаккур феъллари - инсоннинг ақлий фаолияти билан боғлиқ феъллар бўлиб, *ўйламоқ, фикрламоқ, хаёл сурмоқ, мулоҳаза қилмоқ,*

*хисобламоқ, англамоқ, тушунмок, тушунтирмоқ, фахмламоқ, ўқимоқ, уқмоқ, унумтмоқ, эсламоқ, хотирламоқ, хомчұтламоқ* каби қатор феълларни ўз ичига олади.

3). Мехнат феъллари – инсоннинг турли касб-хунар, юмушлар билан боғлиқ кундалик ҳаётига хос турлича феълларни қамраб олади. Булар дәхқончиликка хос феъллар (*экмоқ, чопмоқ, яганаламоқ, чеканкаламоқ, ҳайдамоқ, ўтамоқ, ўгитламоқ, ииғмоқ, термоқ, совурмоқ, ўрмоқ, тикмоқ, чилтимоқ, сугормоқ* каби), боғдорчиликка хос феъллар (*ўтқазмок, пайвандламоқ, бутамоқ, хомтокламоқ, қайчиламоқ, парваришламоқ* каби), ҳунармандчиликка хос феъллар (*тикмоқ, андоза олмоқ, қолипламоқ, ясамоқ, түқимоқ, пардоzlамоқ, сайқалламоқ, бўямоқ, гул солмоқ* каби), кундалик юмуш феъллари (*супурмоқ, сидирмоқ, иигишиштирмоқ, таҳламоқ, артмоқ, ювмоқ, тозаламоқ, чайқамоқ, чаймоқ* каби), пазандачиликка оид феъллар (*пиширмоқ, тўғрамоқ, кесмоқ, чўзмоқ, димламоқ, дамламоқ, қайнатмоқ, қовурмоқ, қизартирмоқ*) бинокорликка оид феъллар (*курмоқ, бунёд қилмоқ, солмоқ, бино қилмоқ, қоқмоқ, қуймоқ, термоқ, сувамоқ, андаваламоқ, шиббаламоқ, оҳакламоқ, оқламоқ, цементламоқ, пардоzlамоқ* каби) каби бир қатор феълларни ўз ичига олади.

4). Спортга оид феъллар *сакрамоқ, югурмоқ, чопмоқ, сузмоқ, бокс тушимоқ, курашмоқ, отмоқ, улоктирмоқ, мўлжсалламоқ, нишонга олмоқ, гол урмоқ, тўсмоқ, ҳужум қилмоқ, ҳимоя қилмоқ, ииқитмоқ, енгмоқ* каби қатор феълларни қамраб олади.

5). Санъатга оид феъллар *куйламоқ, басталамоқ, ижод қилмоқ, ёзмоқ, яратмоқ, чизмоқ, ролга кирмоқ, ижро этмоқ, саҳналаштирмоқ, ўйнамоқ, рақс тушимоқ* каби феълларни қамраб олади.

6). Тибиётга оид феъллар *даволамоқ, таихис қўймоқ, операция қилмоқ, укол қилмоқ, малҳам қўймоқ, ёрмоқ, тикмоқ, боғламоқ* каби.

7). Инсоннинг сезги ва тана аъзолари ҳаракатини ифодаловчи феъллар *кўрмоқ, боқмоқ, қарамоқ, назар солмоқ, эшиитмоқ, ҳидламоқ, кулмоқ, жилемаймоқ, тиржаймоқ, ишишаймоқ, буришмоқ дукилламоқ, ушламоқ, тутмоқ, пайпасламоқ, силамоқ, чанг солмоқ, урмоқ, дўппосламоқ, саваламоқ, юрмоқ, югурмоқ, чопмоқ, ҳаллосламоқ, тарсакиламоқ, муштламоқ, кўтармоқ, тепмоқ, тепкиламоқ* каби лексемаларни қамраб олади.

7). Инсон ҳис-туйгулари ва шахсий муносабатларини ифодаловчи феъллар а) ижобий муносабатни билдирувчи феъллар **қадрламоқ**, **хурматламоқ**, **дўстлашмоқ**, **табрикламоқ**, **саломлашмоқ**, **севинмоқ**, **севмоқ**, **согинмоқ**, **кутмоқ**, **талпинмоқ**, **яхши кўрмоқ**, **кувонмоқ** каби, б) салбий муносабатни ифодаловчи феъллар **нафратланмоқ**, **ёмон кўрмоқ**, **кўрқмоқ**, **сиқилмоқ**, **огринмоқ**, **азобланмоқ**, **аччиқланмоқ**, **газабланмоқ**, **тутақмоқ**, **хафа бўлмоқ** каби юзлаб феълларни киритиш мумкин.

8). Инсон ва жамиятга хос жисмоний, руҳий, биологик, иқтисодий ҳолатларни ифодаловчи феъллар. **Чарчамоқ**, **толиқмоқ**, **синиқмоқ**, **қаримоқ**, **кексаймоқ**, **қартаймоқ**, **ухламоқ**, **уйғонмоқ**, **очиқмоқ**, **тўймоқ**, **ўтирамоқ**, **ётмоқ**, **чиниқмоқ**, **камбагаллашмоқ**, **бойимоқ** каби.

2. Ҳайвонлар ва қушларга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи феъллар. **Маърамоқ**, **кишинамоқ**, **учмоқ**, **қанот қоқмоқ**, **сайрамоқ**, **тухумламоқ**, **қулунламоқ**, **вовулламоқ**, **хуримоқ**, **акилламоқ**, **ҳанграмоқ**, **болаламоқ**, **миёвламоқ**, **ин қурмоқ**, **овламоқ**, **ўкирмоқ**, **бўкирмоқ**, **визилламоқ**, **чақмоқ**, **найза санчмоқ**, **тишилламоқ**, **таламоқ**, **тирнамоқ**, **чийилламоқ**, **увилламоқ** каби.

3. Ўсимликлар ва жисмларга, табиат ҳодисаларига хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи феъллар. **Ўсмоқ**, **кўкармоқ**, **гулламоқ**, **қуримоқ**, **қовжирамоқ**, **сўлмоқ**, **илдиз отмоқ**, **шоналамоқ**, **очилмоқ**, **шохламоқ**, **ёғмоқ**, **эримоқ**, **оқмоқ**, **тошимоқ**, **дарз кетмоқ** каби. Демак, табиат оламига хос феъллар субъект нуктаи назаридан алоҳида гуруҳни ташкил этади ҳамда фаол қўлланувчи феъллардан ҳисобланади.

Тасниф сўзи арабча бўлиб, маълум фан, соҳа, тармоқка оид умумий хусусиятлари билан бир гуруҳга бирлашган тушунчаларни фарқли жиҳатлар асосида кейинги тармокларга ажратиш демакдир. Тасниф барча фанлар учун зарурий ва аҳмиятли тушунча бўлиб, унга кўра нарса ва ҳодисалар хусусийликдан умумийликка, умумийликдан хусусийликка тамойиллари асосида гуруҳларга ажратилади, поғонавийлик юзага келади, муайян нарса ва ҳодиса хақидаги тушунча янада аниқлашади.

Тилшунослиқда тасниф аҳмиятли тушунча бўлиб, тил бирликлари ва ҳодисалари ўхшаш, интеграл белгиларига кўра гуруҳларга бирлаштирилади ҳамда фарқли жиҳатларига кўра майда тушунчаларга ажратилади.

Масалан, фонетик бирликлардан товушни олайлик. Товуш тилдаги энг кичик бўлинмас фонетик бирлик бўлиб, а, о, и, у, э, б, в, г, д... каби бир қатор

фонетик бирликлар юқоридаги умумий хусуиятга әгалиги билан бир парадигмага бирлашади. Айнан шу тилдаги әңг кичик бўлинмас фонетик бирлик белгиси товушни сўз, гап, ургу каби ҳодисалардан фарқлайди. Лекин айнан шу товушлар бир гурӯхга бирлаштирилиши билан бир қаторда қайси нутқ аъзосида, қай усулда ҳосил бўлишига кўра яна майда турларга ажрайди. Ундош товушлар, унли товушлар; тил ундошлари, лаб ундошлари, бўғиз ундоши; сирғалувчи ундошлар, портловчи ундошлар, сонорлар; кенг унлилар, тор унлилар каби.

Хусусийликдан умумийликка ва умумийликдан хусусийликка бориш тамойили, яъни таснифлаш лексик система моҳиятини очища аҳамиятли. Систем тилшуносликдаги майдон назарияси асосида ҳам айнан тасниф, аникроғи семантик тасниф тушунчаси ётади, десак хато бўлмайди. Лексик системадаги тасниф тушунчаси объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, жараёнларнинг онгимизда таснифланган ҳолда инъикос топиши билан боғлиқ. Зеро, объектив олам оддийдан мураккабга қараб синфларга бирлашувчи ва айни пайтда бўлакларга бўлиниш хусусиятига эга бўлган мураккаб системадир<sup>23</sup>.

Тасниф тушунчаси феъл лексемалар семантик моҳиятини очища муҳим ўрин тутади. Феъллар орасида ҳолат ифодаловчи лексемалар алоҳида ўрин эгаллайди. *Ҳолат* лексемаси муайян объект, предмет, ҳодиса, ҳаракат ва ҳоказоларнинг маълум вақтдаги ички ёки ташки аҳволи, тарзи, кўриниши, хусусияти кабиларни акс эттиради. Шу асосга кўра, ўзбек тилидаги ҳолат феъллари табиат ва жамият, ўсимлик ва ҳайвонот олами, инсон биологияси, физиологияси ва психикаси билан боғлиқ муайян жараёнларни ўз ичига олади. Ҳолат феъллари ҳолатни ифодалайди, кимдир (нимадир) муайян ҳолатда бўлади.<sup>24</sup> Мазкур ҳолат эса, албатта, ҳаракат натижаси ҳисобланади. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари қўйидагича таснифланади.

1. Биологик ҳолат феъллари.
2. Жисмоний ҳолат феъллари.
3. Рухий ҳолат феъллари.
4. Ҳаракатнинг ҳолати феъллари.

---

<sup>23</sup> Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент, Фан, 1998, 3-бет.

<sup>24</sup> Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент «Фан», 1989, 15-бет.

Ўсимлик ҳолатини ифодаловчи феъллар ҳолат феълларининг таркибий қисми бўлиб, «Ўзбек тилининг изохли лугати» (1981 йил, 1,2 жиллар)да ўсимликларнинг турли ҳолатини изоҳловчи 50 га якин феъл берилган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса 100 га якин шу гурухга оид феъллар мавжуд.

Ўсимлик ҳолатини ифодаловчи феълларни А.Нурмонов табиат ҳодисалари билан боғлик феъллар сирасига киритиб, *кўкармок*, *гулламок*, *ўсмок*, *очилмок*, *қизармок*, *саргаймок*, *уругламок*, *илдиз отмок* каби феълларни кайд этса, А.Собиров нарса ва жисмларнинг ҳаракат ва ҳолатини ифодаловчи лексемалар қаторига киритади, Р.Расулов эса биологик ҳолатни ифодаловчи феъллар сифатида кенг маънодаги тирик жонли организмнинг ҳаёти, ўсиши, ривожланиши кабилар билан боғланувчи лексемаларни таъкидлаб, *кўкармок*, *пишмок*, *чиримок*, *гулламок*, *кўкламок*, *сўлинкирамок*, *қовжирарамок*, *сўлмок*, *бўртмок* каби феълларни ҳам санаб ўтади.<sup>25</sup>

Ўсимлик ҳолатини ифодаловчи феъллар интеграл ва дифференциал семаларига қўра қўйидаги ЛСГ лардан иборат:

1. Ўсимликларнинг ривожланишини ифодаловчи феъллар: *унмок*, *кўкармок*, *битмок*, *гуркирамок*, *ўсмок*, *ривожланмок*, *яшнамок*, *куртакламок*, *бош кутармок*, *ниши урмок*, *буй чўзмок*, *бош чиқармок*, *бачкиламок*, *чойламок*, *маданийлашмок*, *ёввойилашмок* каби.

2. Ўсимликларнинг ривожланишдан тўхташини ифодаловчи феъллар: *куримок*, *сўлмок*, *қовжирарамок*, *саргаймок*, *нобуд бўлмок*, *қуврамок*, *синмок* каби.

3. Ўсимликларнинг бирор аъзоси билан боғлик феъллар: *илдиз отмок*, *илдизламок*, *томир отмок*, *тармоқланмок*, *сув ичмок*, *озикланмок*, *палак ёзмок*, *туп қуймок*, *томир отмок*, *очилмок*, *гулламок*, *кўсакламок*, *баргламок*, *бўртмок*, *синмок*, *тарратмок*, *уругламок*, *чечакламок*, *япроқламок*, *тарвақайламок*, *говламок*, *гунчаламок*, *бутокламок*, *шоналамок*, *шохламок*, *куртакламок*, *тукилмок*, *хазон бўлмок*, *узилмок*, *йўғонлашмок*, *ёғочланмок*, *найчаламок*, *сурхламок*, *синтезламок* каби.

<sup>25</sup> Қаранг: Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент, 2001 йил, 62-бет. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент, «Маънавият», 2004 йил, 118-бет.  
Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.-Тошкент, 1989, 25-бет.

4. Ўсимликларнинг ҳосили билан боғлик: *пишмоқ*, ҳосил бермоқ, етилмоқ, нишона бермоқ, тугмоқ, солмоқ, бўлмоқ, гўраламоқ, хомакламоқ, шира боғламоқ, шарбатга тўлмоқ, сапчаламоқ, дум бермоқ, шўраламоқ каби.

Юқоридагидан ташқари ўсимликнинг қайси тури билан боғлиқлигига қараб мазкур феълларни умумий маъноли феъллар (унмоқ, ўсмоқ, пишмоқ, илдиз отмоқ, кўкармоқ, битмоқ каби ), пахтачилик билан боғлиқ феъллар (шоналамоқ, кўсакламоқ), узумчилик билан боғлиқ феъллар (сурхламоқ, жингалак чиқармоқ, шўраламоқ), полиз экинлари билан боғлиқ феъллар (хомакламоқ, сапчаламоқ, найчаламоқ, дум бермоқ, палакламоқ , палак ёзмоқ. сихакламоқ, банд бермоқ, палаги ўлмоқ), донли экинлар билан боғлиқ феъллар (бошокламоқ, чойламоқ) каби турларга ажратиш мумкин.

Ўсимлик ҳолатини ифодаловчи феъллар семантик структурасига кўра моносемантик ва полисемантик феъллардан иборат. Моносемантик феъллар фақат ўсимликлар биологик ҳолати билан боғлиқ бўлиб, бошқа ёндош семаларга эга эмас. Жумладан, *куртакламоқ*, *бачкиламоқ*, *чойламоқ*, *япроқламоқ*, *барг чиқармоқ*, *шохламоқ*, *қовжирамоқ*, *хомакламоқ*, *илдизламоқ*, *найчаламоқ*, *гўраламоқ*, *сапчаламоқ*, *шарбатга тўлмоқ*, *сурхламоқ*, *шўраламоқ*, *дум бермоқ*, *ичи тушмоқ*, *палаги ўлмоқ*, *кўсакламоқ*, *шоналамоқ*, *бутокламоқ* каби феъллар субъекти фақат ўсимлик бўла олади.

Полисемантик феълларнинг бир қисми бирламчи семаси билан ўсимлик ҳолатини, иккиламчи семаси билан шахс ёки бошқа предмет ҳолатини ифодалайди. *Ўсмоқ*, *ривожланмоқ*, *илдиз отмоқ*, *томир отмоқ*, *очилмоқ*, *говламоқ*, *унмоқ*, *кўкармоқ*, *нишона қилмоқ*, *гулламоқ*, *барқ урмоқ*, *сабза урмоқ*, *гуркирамоқ*, *хазон бўлмоқ*, *қуримоқ*, *сўлмоқ*, *яшнамоқ* каби.

Айрим феъллар асосий маъносига кўра бошқа семантик майдонга мансуб бўлса-да, ўсимлик ҳолатини ҳам ифодалаб кела олади. *Солмоқ*, *тугмоқ*, *ниши урмоқ*, *боши чиқармоқ*, *боши кўтармоқ* феъллари шулар жумласидандир.

Айрим феъллар эса омонимик хусусиятга эга. *Битмоқ*, *кўкламоқ* Каби.

Табиат оламига хос феъллар қуйидаги мавзуий гурухлардан иборат:

1. Ер ва тупроқ қатлами билан боғлиқ феъл лексемалар.

2. Сув ва сув объектлари билан боғлиқ феъллар.
3. Осмон жисмлари билан боғлиқ феъллар.
4. Об-ҳаво ва шамоллар билан боғлиқ феъллар.
5. Ёгинлар билан боғлиқ феъллар.
6. Турли табиат ҳодисалари билан боғлиқ феъллар.

Хозирги ўзбек адабий тили лексикасида Ер сайёраси ва Ер юзаси, рельефи, тупроқ қатлами билан боғлиқ *айланмоқ*, *шўрламоқ*, *шўрхокламоқ*, *емирилмоқ*, *ўтирилмоқ*, *ёрилмоқ*, *қимирламоқ*, *захламоқ*, *қатқалоқланмоқ* каби феъллар мавжуд.

Хозирги ўзбек адабий тилида сув ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи *оқмоқ*, *шалдирамоқ*, *шарилламоқ*, *шилдирамоқ*, *тиниклашмоқ*, *тинилмоқ*, *тинмоқ*, *лойқаланмоқ*, *чучуклашмоқ*, *шўрлашмоқ*, *жилдирамоқ*, *ифлосланмоқ*, *бўтаналанмоқ*, каби, сув объектлари (арик, булоқ, кўл, дарё, денгиз, уммон, шаршара) билан боғлиқ *қуримоқ*, *тўлмоқ*, *туташмоқ*, *қўшилмоқ*, *чуқурлашмоқ*, *саёзлашмоқ*, *кенгаймоқ*, *тошмоқ*, *тораймоқ*, *қуйилмоқ*, *тўлқинланмоқ*, *жўшимоқ*, *мавжсланмоқ* каби феъллар мавжуд.

Осмон жисмлари микромайдони қуёш, Ой, юлдузлар ва сайёralарни ўз ичига олади. Сўзлашув услубида қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракати ва ҳолатига оид феъллар кенг қўлланади. қуёш лексемаси араб тилидан ўзлашган *шамс*, форс-тожик тилидан ўзлашган *офтоб*, туркийча *кун* сўzlари билан, Ой лексемаси *қамар* (арабча), *ҳилол* (арабча «янги чиққан уч кунлик ой»), *моҳ* (форс-тожикча, бадиий услугга хос) сўzlари билан маънодошлиқ ҳосил қиласди. қуёш астрономик термин сифатида бизнинг галактикада жойлашган ва ўз атрофида айланувчи барча сайёralарга ёруғлик ва иссиқлик берадиган астрономик жисмни ифодалайди. Шамс сўзи эса бир маъноли, факат бадиий услугга хос. Офтоб лексемаси сўзлашув услугига хос, кенг қўлланади. *Елкасига офтоб тегмоқ* (яхши ҳаётга эришмоқ, баҳти кулмоқ), *офтоб урмоқ* (қуёшнинг қаттиқ қиздириши натижасида касалланмоқ) каби иборалар таркибида ҳам фойдаланилади. Кун лексемаси ҳам кўп маъноли. Офтоб семасидан ташқари қуидаги маъноларни ҳам ифодалаши мумкин.

1. Сутка. Орадан икки кун ўтди.
2. Сутканинг ёруғ қисми.
3. Вақт.
4. Тирикчилик.

Ой лексемаси «қуёшдан нур олиб ёғду сочувчи осмон жисми», «Ернинг табиий йўлдоши», «ўттиз, ўттиз бир, йигирма саккиз- йигирма тўқиз суткадан иборат йилнинг ўн иккidan бир қисми», «гўзал»(кўчма) маъноларига эга.

**Чиқмоқ, кўтарилимоқ, ёритмоқ, иситмоқ, қиздиримоқ, сочмоқ, таратмоқ, шуъланамоқ, чарақламоқ, чақнамоқ, порламоқ, милтирамоқ, милтилламоқ, ботмоқ, тўлмоқ, тумилмоқ, янгиланмоқ, ёнмоқ, сўнмоқ, учмоқ, ўчмоқ, ярқирамоқ** каби феъллар осмон жисмларига хос ҳаракат ва ҳолатни ифодалайди.

**Айнимоқ, ўзгармоқ, исимоқ, илимоқ, совимоқ, қисқармоқ, узаймоқ, булутланмоқ, эсмоқ, елмоқ, учирмоқ, увилламоқ, гувилламоқ, кўтарилимоқ, изилламоқ, гирилламоқ, гумбурламоқ, чақмоқ, эгмоқ** лексемалари об-ҳаво ва шамоллар билан боғлиқ ҳаракат ва ҳолатни ифодалайди.

Ёғин - қор, ёмғир, дўл кўринишида булутдан тушадиган атмосфера намлиги бўлиб, ёғмоқ, томчиламоқ, саваламоқ, шитирламоқ, жадалламоқ, чакилламоқ, қуймоқ, майдаламоқ, бўраламоқ, учқунламоқ, кўчмоқ, қопламоқ, босмоқ, ювмоқ, томмоқ, пагаламоқ, урмоқ каби феъллар ёғинларга хос ҳолатни ифодалайди.

Ўзбек тилида момақалдириқ, чақмоқ, яшин, вулқон, зилзила каби табиат ҳодисалари билан боғлиқ **чақнамоқ, гумбурламоқ, гулдирамоқ, чақмоқ, қимириламоқ, ларзага келмоқ, отилмоқ, урмоқ, портламоқ** феъллари мавжуд.

Сўз тилдаги марказий ва асосий тушунча ҳамда бирлик эканлиги маълум. Сўзниң структураси бир неча компонентлар, лексик маъно, белги ва денотатдан иборат эканлиги ҳам адабиётларда таъкидланган. Демак, сўз айтилиш ва маъно бирлиги, шаклий ва семантик маънолар, грамматик ва лексик маъноларнинг ўзаро қарама-қаршилиги, муносабатдорлигидан ташкил топган системадир. Замонавий тилшуносликда сўзниң нафақат шаклий томони, балки мазмуний томони ҳам структуравийлик асосида, семантик қисмларга ажратиб таҳлил қилинмоқда ва бундай таҳлил компонент таҳлил деб юритилмоқда. Тил бирликларининг муайян мазмуний майдонларга бирлашуви, майдонга бирлашган компонентларнинг иерархик тузилиши ва улар ўртасидаги жинс-тур муносабати лексик маънодаги структуравийликни кўрсатади. Сўз структурасидаги ҳар бир ўхшаш ва фарқли маъно алоҳида семадир. Бир мазмуний майдонга хос лексемалар бир

қатор интеграл семалардан ташқари бир ёки бир неча фақат ўзигагина тегишли бошқа лексемалардан ажратиб турувчи семага ҳам эга бўлади. Айнан шу семалар сўзнинг тилдаги яшовчанлиги ва ўрнини белгилайди.

Табиат оламига хос феълларнинг аксарияти полисемантик бўлиб, бир парадигмага мансуб бўлса-да, ўзаро оппозиция ҳосил қиласди. Чунки парадигматик муносабат аъзолари имконият тарзида тил эгалари онгидага мавжуд бўлиб, ҳар бир парадигма аъзоси бевосита кузатишда, яъни нутқ жараёнида турли нусхаларда, турли хил вариантларда кўринади.<sup>24</sup> Яъни ҳар бир феъл мустақил лексема сифатида нутқда алоҳида маъно қирраларини намоён қиласди. Чунончи, *ўсмоқ* феъли ўсимликнинг бўйга ҷўзишини англатса, унмоқ лексемаси *ривожланнишинг дастлабки босқичи* семасига эга. *Саргаймоқ, сўлиммоқ, қовжирамоқ, қуримоқ, нобуд бўлмоқ* лексемалари ҳам даражавий муносабатга эга.

**Ривожланмоқ** феъли ўсимлик ривожланнишини ифодаловчи феъллар учун ядро ҳисобланади. Бу феъл ҳар қандай предметга оид такомиллашув жараёнини ифодалайди.

**Ўсмоқ** феъли бош маънодан ташқари қуидаги семаларни ҳам акс эттиради

**Такомиллашмоқ.** Ракитин танклар ишлаб чиқаришимизнинг ой сари ўсиб бораётганини сухбатида айтганда тасаввур қилолмаганди (Шухрат).

**Вояга етмоқ, катта бўлмоқ, тарбия топмоқ.** Нигора марҳум бувисининг қўлида ўсан.(О. Ёкубов).

Фразеологизм таркибида келади. Ўзига биринчи марта муҳим вазифа ишониб топширилганидан *кўнгли ўсиб*, Раҳимнинг оёқ олиши бошқача бўлиб кетди (Ҳ. Назир).

**Унмоқ** феълининг бош маъноси « ниш уриб кўкариб чиқмоқ, ўса бошламоқ»дир. **Униб чиқкан** ғўзаларни ўз фарзандларида парвариш қилганлари-чи.(О.Ёкубов). Кўчма маънода эса келаси замон сифатдоши шаклида келиб, «манфаат етадиган» семасини, орттирма нисбат (ундирмоқ) шаклида келиб, «талаб қилиб олмоқ» семасини ифодалайди. Бу зиқналар ҳамма билан дўстлашавермайди , **унадиган** ерга, ўзидан бир погона юқорига қўл чўзади.(Шухрат).

**Битмоқ** лексемаси ҳам *унмоқ* ва *ўсмоқ* лексемаларига маънодош равища ўсимликнинг ривожланаётганини билдиради. Ёввойилик хусусияти зўрайиб кетиб, катта-катта майдонларда мутлақо ҳосил битмаса-чи. (Ў.

Усмонов). **Битмоқ** лексемаси битмоқ (ёзмоқ), битмоқ (бекилмоқ) феъллари билан шаклдош. **Тугамоқ, ҳал бўлмоқ, тузалмоқ** семалари ҳам шу феъл орқали ифодаланиши мумкин. –Хонадошингиз Шорасул Мақсудовнинг ҳам иши **битди**, янаги ҳафтада ёқлайди (Ў. Усмонов). Оёғи синган, салкам яrim йил гипсда юрса ҳам суяги яхши **битмай** қолганди (Ў. Усмонов). Шундай экан, яхшилик билан **битган** ғамни ғам деманг...(Ў. Усмонов). Бир соатчаларда ҳамма юмуш **битди** (Ў. Усмонов).

**Кўкармоқ, кўкламоқ** феъллари **унмоқ** феълига маънодош бўлиб, ўсимликнинг илк ривожланиш босқичини билдиради. **Очилмоқ** лексемаси **очмоқ** феълининг мажхул ва ўзлик нисбат шакли. Ўсимликка нисбатан кўлланганда объектсиз, бошқа предметларга нисбатан ишлатилганда объектли феъл ҳисобланади (қиёсланг гул очилди, эшик очилди, қопқоқ очилди каби) **гулламоқ** феълига яқин маънони ифодалайди. Лекин **очилмоқ** феъли фақат гулларга, гулламоқ феъли дараҳтларга нисбатан кўлланади. Масалан. Эрта баҳор келиши билан қабр устида кимхобдек гуллар **очилади**.(О. Ёкубов). Деразамнинг остида бир туп ўрик оппоқ бўлиб **гуллади**. (Ҳ. Олимжон). Бу дараҳтлар наврўз арафасида бутун баргини тўқади-ю новдаларидаги шифил ғунчалар **очилади**.(П. қодиров). **Очилмоқ** феъли ҳам полисемантик бўлиб, унинг қўшимча семалари бир нечта эркин ва турғун бирикмаларда кўринади.

1. Тиниқлашмоқ. Фикри очилди. Ранги очилди.
2. Фош бўлмоқ (сир очилди) Низом сири очилишидан хавотирланиб энтиқди. (П. қодиров).
3. Уйғонмоқ (кўзи очилди)
4. Ёришмоқ (кун очилди)
5. Кайфияти яхшиланмоқ, хафалиги тарқамоқ(чехраси очилди, қовоғи очилди). Котиба қиз уни кўриши билан чехраси очилиб, пешвоз чиқди. (Ў. Усмонов).
6. Егиси келмоқ (иштаҳаси очилди)
7. Ташкил қилинмоқ (кўргазма очилди)
8. Узоқ ва тинимсиз гапирмоқ (жағи очилди). кумри кампир ич-этини еб борган сари Тошгул кампирнинг жағи очилгандан очилиб борарди. (Т. Маҳмуд). Жағи очилмоқ фразеологизми кучли салбий эмоционал муносабатни ҳам ифодалайди.
9. Ҳайратланмоқ (оғзи очилди).

10. Англаб етмоқ, ақли кирмөк (күзи очилди). Мана энди ерга қулаб күзим очилди.(Т. Махмуд).

Ўсимлик ҳосили билан боғлиқ феъллардан *пишмоқ* лексемаси меванинг истеъмолбоп бўлиб етилганини ифодалайди. Тайёр бўлмоқ (овқат пишди), ҳал бўлмоқ (иш пишди), жон куйдирмоқ (куйиб-пишмоқ), айёр (ичидан пишган), сабри тугамоқ (ичи пишди), руҳан безовта бўлмоқ (ичи пишмоқ), тобланмоқ, қизармоқ (қуёшда пишмоқ), ўта тажрибали бўлиб кетмоқ (бунақа ишларда пишиб кетган) каби эркин ва турғун бирикувларда кўшимча семалар юзага чиқади.1. қандай қилсам беозор бўларкин деб куйиб-пишардим (Шухрат).2. Кейин билсам, ичидан пишган экан. (О. Ёқубов).3. Юзлари қуёшда пишиб мардона бир қиёфага кирганди. (О. Ёқубов). 4. Бошдаёқ айтувдим-а, борсанг пишган ошни бузасан, деб. (О.Ёқубов).5. Кўчадан ўтаётган Абдурасулни қўриб яна ичи пишади. (П. Турсун). -Нима гап ўзи , -деб ичи пишиб сўрарди. (П. Турсун). *Етилмоқ* лексемаси *пишмоқ* билан маънодош, *пишмоқ* нинг юқори даражаси. Семантик қамрови торроқ. Жумладан, *балогатга етмоқ, обдан пишмоқ, роса тобига келмоқ* семаларида кенг қўлланади.

Ўсимликларнинг мева ҳосили билан боғлиқ феъллардан *тугмоқ* лексемаси ҳам полисемантик. Бу феълнинг дастлабки маъноси «тугун ҳосил қилмоқ» бўлиб, қўл ҳаракатини билдиради. Кейинги маъно ҳам шунга яқин, яъни «бирор предмет ичига иккинчисини солиб, ўраб боғламоқ».Кейинги маъно ҳам иккинчи маъно асосида юзага келган. Яъни «манти, чучвара, сомса кабиларни тайёрламоқ». Мева солмоқ семаси аввалги семалар натижасида келиб чиқкан. Ўсимлиknинг эндиgина гулини тўкиб, ғўралаганини билдиради. Бутун мавсум кутди, аммо битта дона кўсак ҳам тугмади.

*Тугмоқ* феъли *думини тугмоқ* (йўқотмоқ), *кўнглига тугмоқ* (ният қилмоқ) Бу таклифни тўппа-тўғри йиғилишда киритаверишни кўнглига тугиб қўйганди (Ў. Усмонов), *мушт тугмоқ* (қўлини муштум қилмоқ), *тўққиз пулдек қилиб тугиб бермоқ* (жуда оддий қилиб тушунтириб бермоқ), *бир тийинни юз ердан тугмоқ* (ўта зиқналашиб кетмоқ) Илгаригидай отасининг текин пулига керилишлари қолиб кетган, бир тийинни юз жойидан пуллаб тугади.(Ў.Усмонов) каби фраземалар таркибида қўлланади.

Ўсимлиknинг ривожланишдан тўхташини сўлмоқ, куврамоқ, қовжирамоқ, нобуд бўлмоқ, шалпаймоқ, сарғаймоқ лексемалари ифодалайди.

**Сўлмоқ** феъли ўсимликнинг ўсиш жойида ёки узилгандан сўнг тирик ҳолатини йўқота бошлишини билдиради. Бундан ташқари суви қочиб бужмаймоқ (мева ва сабзавотларга нисбатан), ранги кетиб, қути ўчиб, ғамташвиш чекиб синиқмоқ, сўлғинлашмоқ семаларини ҳам ифодалайди. Масалан, Ўсимликнинг ривожланишдан бутунлай тўхташи, нобуд бўлиши ни ифодаловчи феъллардан **қуримоқ** лексемаси семалари учун умумлаштирувчи маъно **тугамоқ, тамом бўлмоқ** дир. Мазкур сўз

1. Намлиги кетмоқ (хўл нарсага нисбатан), қурук ҳолга келмоқ.
2. Нобуд бўлмоқ (ўсимлик). Дараҳт яшнаб тургани учун соясидан одам аримайди, **куригандан** кейин унга зоғ ҳам кўнмайди.(Ў. Усмонов).
3. Оқишдан тўхтамоқ.
4. Ўлиб, ишламайдиган бўлиб қолмоқ.
5. Топилмадими маъносида.- Маҳамат ака, сиздан бошқада ер **куриб кетибдими** оламан десам!- деди раис (Ў.Усмонов). Катта йўл **куриб қолганмиди**, бадбаҳт!(Ў.Хошимов).
6. Шўри қуримоқ - баҳтсизликка йўлиқмоқ, хароб бўлмоқ.  
-Шўрим қуриди, ойи! Шўрим қуриди!- Салтанат дув-дув оқиб тушаётган кўз ёшларини артиб ойисининг пинжига тиқилди (Ў.Усмонов).
7. Тинкаси (силласи, мадори) қуримоқ - ўта чарчамоқ, ҳолдан тоймоқ. Оч қолиб, силласи қуриб қайтиб келади (Сайд Аҳмад). Куни билан далада офтобда юриб, тайнинли овқат ҳам емай, **тинкаси қуриганини** энди сезди. (Ў.Усмонов).
8. Тухуминг қуригур. қуриб кетсин каби қарғиш фраземалар таркибида йўқ бўлсин маъносида кучли салбий эмоцияни ифодалайди. - қуриб кетсин шу ишингиз ҳам,- деди эрига ачиниб (Ў. Усмонов).

Ўсимлик ҳолатини ифодаловчи полисемантик феъллар бир семаси билан мазкур майдон элементи ҳисобланса-да, йўлдош семалари билан бошқа семантик майдон элементлари билан синонимик муносабатга киришиши, шунингдек, бошқа семантик майдонлар узви сифатида мавжуд бўлиши лисоний ҳодисадир.

Ўсимлик ҳолатини билдирувчи феъл фраземалар ҳам семантик серқиррадир. **Илдиз отмоқ** фраземасининг денотатив семаси **илдиз чиқармоқ, томир ёймоқ, кўкариши, ўсиши учун ҳаётий асосга эга бўлмоқ**дир. Чунки ўсимликнинг илдиз системаси ўсимлик организмининг энг муҳим ва фаол қисми саналади. Ўсимлик илдизи сув, минерал ва органик моддаларни

ютиб, органик бирикмаларни синтез қилади («Ўсимликлар биоэкологияси»). Шу денотатив семадан *мустаҳкамланмоқ*, *авж олмоқ*, *кучайиб кетмоқ*, *кенг тарқалмоқ*, *ҳамма ёқни эгалламоқ* каби коннотатив семалар келиб чиқкан. Масалан, Иниси Бобур қонли жангларда барпо этиб кетган улкан *давлат* ҳанузгача ҳинд ерларида теран *илдиз отолган эмас* (П. қодиров). Коннотацияда баъзан фразема маъноси янада кенгаяди. Шунда Аллоҳ

- Икки дарё оралиғида бир гўзал маъво яратиб, уни сенга ҳадя этдим, ўша ерда яйра, *илдиз от*, - дебди (М. қориев). Мустаҳкам ўрнашмоқ, авлодлари билан қўним топмоқ, ватан тутмоқ каби.

*Туп қўймоқ*, *палак ёзмоқ*, *палакламоқ*, *дум бермоқ*, *банд бермоқ*, *найчаламоқ*, *сапчаламоқ*, *сихакламоқ*, *ичи тушимоқ*, *палағи ўлмоқ* каби феъл ва фраземалар полиз экинларининг ҳолатини ифодалайди.

Палак полиз экинининг тана қисмини билдиради% қовун палак, бодринг палак, ошқовоқ палак, тарвуз палак каби. Одатда, палак ер бағирлаб ўсади.

Хомак, сапча сўzlари маънодош бўлиб, пишиб етилмаган қовунни билдиради.

Ўзбек тилида осмон жисмлари ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи феъллар анчагина.

Осмон жисмларидан қуёш ва Ой билан боғлик *тумилмоқ* лексемаси астрономик термин сифатида бир осмон жисмининг бошқа осмон жисми ёки унинг сояси билан бекилиб қолишини ифодалайди. Асосан қуёш ва Ой тутилиши кузатилади. Бу феълнинг ушланмоқ, дудукланмоқ, илинмоқ маънолари ҳам бор. Ушланмоқ да субъект номаълум.

*Чиқмоқ* феъли йўналма ҳаракат феълларидан бўлиб, пастдан юқорига кўтарилимоқ семаси бошқа ёндош семаларга асос бўлиб хизмат қилади. қуёш чиқди, ой чиқди, юлдуз чиқди бирикмаларида кўринмоқ, майсалар чиқди бирикмасида кўкармоқ, иссиги чиқди бирикмасида ошмоқ, машинага чиқмоқ бирикмасида минмоқ семалари каби. Чиқмоқ феъли нафақат вертикал, балки горизонтал йўналишдаги ҳаракатни ҳам ифодалайди. Ташқарига чиқмоқ. Уйдан чиқмоқ бирикмалари каби. Вертикал ҳаракатни ифодалаганда тушмоқ, горизонтал ҳаракатни билдирганда кирмоқ, осмон жисмларига хос ҳаракатни ифодалаганда ботмоқ, ўчмоқ, сўнмоқ, ўсимлик ҳолатини билдирганда қуrimоқ лексемаларига антонимия ҳосил қилади. Булардан ташқари, чиқмоқ феъли *бўртиб турмоқ*, *юзага келмоқ*, *нашир этилмоқ*, *ажралмоқ*, *безор*

**бўлмоқ, тамом бўлмоқ, топилмоқ** семалари билан ҳолат феъллари қаторига киради. **Бошига чиқмоқ** (ҳаддидан ошиб кетмоқ), кўзлари қинидан чиқмоқ (ўта жаҳлланмоқ), **миси чиқди**(фош бўлмоқ), **жсони чиқди** (ўта жаҳлланмоқ), **жсони чиқди** (ўлмоқ), **тили чиқмоқ** (гапира бошламоқ), **чегарадан чиқмоқ** (меъёрдан ошмоқ) фраземалари таркибида турли эмоцияларни яққолроқ ифодалашга хизмат қиласди.

Чиқмоқ ва қўтарилимоқ феъллари қуйидаги умумий ва фарқловчи семаларга эга

Чиқмоқ	кўтарилимоқ
Ҳаракат	ҳаракат
Пастдан юқорига	пастдан юқорига
Вертикал ҳаракат	вертикал ҳаракат
Горизонтал ҳаракат	----
Юқоридан қўйига ҳаракат	----
(крандан сув чиқди)	

Осмон жисмларига хос яна бир ҳаракатни ифодаловчи феъл ботмоқ лексемасидир. Ботмоқ феъли уфқ ортига яширинмоқ семасидан ташқари **кўмилмоқ, қопланмоқ, чўкмоқ, оғир туйилмоқ**, маъноларини ҳам ифодалashi мумкин. Айниқса, директорнинг «бу ер сизнинг уйингиз эмас, истаганингизни қиласиган», дегани Азизга тиғдек ботди (Ў. Усмонов).

Об-ҳаво ўзгаришлари билан боғлиқ **айнимоқ** феъли ҳавонинг булатланганини ифодалайди. Аслида бу феъл **тусини ўзгартирмоқ, рангини йўқотмоқ, бузилмоқ, ахлоқан ёмонлашмоқ, фикридан қайтмоқ** семаларига эга. Ҳолат феъллари сирасига киради.

Шамол табиат ҳодисаларидан бўлиб, ҳавонинг ер сатҳи бўйлаб ҳаракатидир. Ҳозирги ўзбек адабий тилида шамолнинг турли даражаларини ифодаловчи қуйидаги лексемалар мавжуд.

1. Ел – шамолга айнан маънодош.
2. Сабо – тонгги енгил шабада.
3. Шабада – енгил шамол.
4. Бод – шамол.
5. Насим – енгил шабада.
6. Елвизак – ўткинчи, тор оралиқдан ўтиб турувчи шамол.
7. Тўфон – шиддатли бўрон.
8. Бўрон - тўзон ёки қор-ёмғир аралаш ўта шиддатли шамол.

9. Довул – кучли бўрон.
10. қуюн - қаттиқ уормали шамол, уормали довул.  
Шамол ҳаракатини ифодаловчи феъллар қуидагилар.  
Эсмоқ - ҳаво оқими тарзида юрмоқ, ўтмоқ.  
Турмоқ - кўтарилемоқ, бошланмоқ.  
Елмоқ - 1). Эсмоқ.  
2). Шамолдек тез юрмоқ.  
ғирилламоқ - 1).ғир-ғир эсмоқ, тез эсмоқ.  
2).ғир-ғир этган товуш чиқармоқ.  
3). Бирор ерга тезлик билан бормоқ, дарров жўнамоқ, югурмоқ, чопмоқ, елмоқ.  
Увилламоқ - босик, чўзиқ овоз чиқармоқ. Ув тортиб йигламоқ.  
ғувилламоқ - ғув-ғув овоз чиқармоқ, ғўнғилламоқ.  
Учирмоқ - ҳавога кўтармок.  
кўпормоқ - таг-туги билан суғурмок.  
Синдирмоқ - бутунлигини бузмоқ, парчаламоқ  
Яксон қилмоқ- бутунлай бузмоқ, йўқ қилмоқ.  
Ўзбек тили лексикасида шамолнинг турли даражалари билан боғлиқ ҳолатларни ифодаловчи феъллар юқоридагилар билан чегараланмайди. Хусусан, Абдулла қаҳхор ҳикояларида шамолнинг турли даражаси ва ҳаракатини ифодаловчи феъллардан кенг фойдаланилган. *гириллаб турган* иссиқ дашт шабадаси Мастоннинг калта кўк камзули остидан чиқиб турган этагини *пирпиратади*, офтобда қорайган бўйнига, чеккасига тер билан ёпишган соchlарини *тортқилайди*. (А. қаҳхор «Мастон»). Агар шамол *кўзғолса*, қум тириклай кўмади. («Мастон»). Яқин икки хафтадан бери *кўз очирмаётган* кузак шамоли яйдоқ дараҳтлар шохида *чийиллайди*, *гувиллайди*, томларда *вишиллайди*, ёпик эшик ва дарчаларга бош уриб *уф тортади*. («Даҳшат»). Шамол гоҳ оч бўридай *увиллар*, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай *пихиллар*, *вагиллар*, ҳеч нарса-ҳеч нарса кўринмасди (Даҳшат). Шамол ҳамон *гувиллар*, яйдоқ дараҳтларнинг шохида *чийиллар*, *гувиллар эди* («Даҳшат»). Мазкур феъллар ёзувчи мақсадини яққолроқ очишга, сахро ва тун манзарасини таъсирчан тасвирилашга хизмат қилган. *Эсмоқ, турмоқ, бошланмоқ, елмоқ* каби синонимлар юқорида қўлланган феъллар вазифасини бажара олмайди. *Вишилламоқ, пихилламоқ, увилламоқ, вагилламоқ* феъллари, одатда, ҳайвонларга хос ҳолатни, *уф*

**тортмоқ** феъли инсонга хос ҳолатни ифодалайди. Ҳаммаси салбий оттенкага эга.

Ёмғирнинг турли даражалари ва ҳаракат-ҳолати билан боғлиқ қуидаги феъл лексемалар мавжуд.

**Саваламоқ (севаламоқ)** феъли «бирор восита билан тинимсиз урмоқ, калтакламоқ» семаси билан зарб бериш феъллари қаторига кирса, шу семадан келиб чиқкан кўчма «тинимсиз шиддат билан ёғмоқ» семаси билан табиат оламига хос феъллар микромайдонига киради. **Саваламоқ** феъли инсонга хос хатти-ҳаракатни ифодалаганда, семантиқ, мантиқий ва синтактик объект тушунчаси мавжуд бўлади. Ёғмоқ семасига эга бўлганда эса синтактик ва семантиқ объект йўқолиб, фақат мантиқий объект тушунчасигина қолади. ҳам мавжуд. Ёмғир севалаб турган тонг ғира-ширасида юзлаб ҳарбий филлар Ҳумоюннинг кўзига ташланди (П. қодиров). Моносемантиқ **шиваламоқ** лексемасида ҳам «нисбатан узоқ муддат ёғмоқ» семаси бор, лекин ёғиш даражаси **саваламоқ** дан кучсизроқ. **Томмоқ, томчиламоқ** лексемаларида ёғишнинг бошлангани англашилса, **қуймоқ, шарилламоқ, жадалламоқ, шаррос қуймоқ** лексемаларида ёғиш даражасининг авжига чиққани тушунилади. Бироқ ҳозир **шарилла́б қуяётган** ёмғир тагида ... Байрамхон билан гаплашгиси келди (П. қодиров). **Тинмоқ** лексемаси ёғинлар билан боғлиқ феълларнинг барчасига оппозицияда бўлади. **Тўхтамоқ, босилмоқ, тинчимоқ** семаларидан ташқари бу феъл **тозаланмоқ, тиниклашмоқ**, дам олмоқ маъноларини ҳам ифодалаб келиши мумкин.

Қор билан боғлиқ феъл лексемалар қаторига **учқунламоқ, эламоқ, бўраламоқ, пагаламоқ, босмоқ, қопламоқ, кўчмоқ** кабилар киради. Эламоқ, бомоқ, қопламоқ, кўчмоқ феъллари бош ва ёндош семаларга эга. Эламоқ лексемасининг бош семаси элакдан ўтказмоқ бўлиб, юмуш феъллариданdir. Метафорик қўлланиш натижасида ёғинга хос ҳолатни ифодалай бошлаган. қор билан боғлиқ лексема сифатида **тўхтосиз, бир маромда ёғмоқ** ни ифодалайди.

Қопламоқ лексемасининг семалари қуидагилар

1. қопга жойлаштиримоқ.
2. Маълум бир юзани эгалламоқ, босмоқ
3. Чулғамоқ
4. Ўрнини тўлдирмоқ
5. Бирор нарсани бошқа нарса билан ўрамоқ.

## **АДАБИЁТЛАР:**

- 1.Содикова М. Феъл стилистикаси.-Тошкент “Фан”, 1975.
- 2.Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.-Тошкент, 1989.
- 3.Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. Автореф. Дисс. Док. Фил. Наук. Ташкент,1989.
- 4.Мухамедова С. Ўзбек тилидаги йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги.Ф.Ф.Н.Дисс. Автореф. Тошкент,1999.
- 5.Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги.- Тошкент , 1977.
- 6.Тенишев Э.Р. Глаголы движения в тюркских языках// Исторические развития лексики тюркских языков.М,1961.
- 7.Вешилова В.Ф. Глаголы движения в турецком языке// Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков.4. Лексика. М.,1962.
- 8.Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтактические группы глагола в узбекском языке. Тбилиси,1987.
- 9.Халиков К. Глаголы движения в современном узбекском литературном языке.АКД. Самарканд,1967.